

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

30-сон
(114)
2004 й.
июль

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

345. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 июлдаги 359-сон қарори
346. «Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июлдаги 360-сон қарори

Бешинчи бўлим

347. «Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 12 июлдаги РА-01-8-31, 95, 2004-49, 256-В-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 26 июлда 1390-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
348. «Ишлаб чиқариш қувватларини камайтириш (чиқариш) тартиби тўғрисида ни-

- зомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, «Ўзкимёса-ноат» ДАКнинг 2004 йил 12 июлдаги 38, 93, 2004-35, 01/06-14, 01-2180-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 28 июлда 1391-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
349. «Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2004 йил 15 июлдаги 257-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 июлда 1392-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
350. «Жамоат фойдаланиш жойларида Интернет тармоғидан ахборот олиш имкони-ни бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг 2004 йил 23 июлдаги 216-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 июлда 1393-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
351. «Давлат улушларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари, бош-қарувчи компаниялар ва ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2004 йил 21 июлдаги 01/06-15-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 июлда 1394-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
352. «Истеъмолчиларни табиий газ билан лимитсиз асосда таъминлаш тартиби тўғри-сида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазир-лиги, Молия вазирлиги, Ўздавнефтгазинспекция, «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзком-мунхизмат» агентлигининг 2004 йил 26 июлдаги 39, 73, 03/09-401, 16-1-44, 012-1-912-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги то-монидан 2004 йил 30 июлда 1395-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 24 июлдан 30 июлгача бўлган маълумот

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

345 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2004 йил 30 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмига божхона имтиёзлари бериш тўғрисида» 2001 йил 25 майдаги 235-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 26 июль,
359-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 26 июлдаги 359-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий масъулиятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида» 1994 йил 26 январдаги 38-сон қарори матнидан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 1-сон, 6-модда) «ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмига», «ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмига», «ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмига билан» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида» 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарорида:

7-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасига — автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида кириш ва чиқишларини»;

матн бўйича барча «назорат-ўтказиш пунктлари» сўзлари тегишли равишда «Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона йиғимлари ставкалари тўғрисида» 1999 йил 30 апрелдаги 204-сон қарори 2-бандининг ўн биринчи хатбошидан «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаро авиациясининг халқаро парвозларини кенгайтириш тўғрисида» 1999 йил 13 июлдаги 343-сон қарори 4-бандидаги «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» сўзлари «Миллий хавфсизлик хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 декабрдаги 519-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 12-сон, 84-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароси гувоҳномасини расмийлаштириш ва бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандидан «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитага ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Дон ресурслари ва уннинг бозор фондидан янада оқилона ва тежамли фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 14 сентябрдаги 374-сон қарори 7-бандидан «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитини давлат томонидан тартибга солиш ва нazorат қилиш тўғрисида» 2002 йил 21 февралдаги 62-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 2-сон, 10-модда):

4 ва 5-бандларнинг иккинчи хатбошидан «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» сўзлари чиқариб ташлансин;

3-иловада:

5-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидан «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» сўзлари чиқариб ташлансин;

23-банда:

биринчи хатбошидаги «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» сўзлари «Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

учинчи хатбошидаги «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» сўзлари «Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 9-сон, 53-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси тўғрисидаги низом 9-бандининг учинчи хатбошидан «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» сўзлари чиқариб ташлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 12-модда) 3-бандидан «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» сўзлари чиқариб ташлансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш давларида тиббий текширувдан ўтказиш тўғрисидаги низомда:

1-бандга изоҳдан «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара қўшинлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

3-банд «а» кичик бандининг тўққизинчи хатбошидан «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» сўзлари чиқариб ташлансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги 119-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низом 5-бандининг иккинчи ва тўртинчи хатбошидан «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» сўзлари чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 майдаги 227-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 39-модда) 5-бандининг биринчи хатбошидан «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» сўзлари чиқариб ташлансин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 472-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 103-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом 4-бандининг иккинчи хатбошидан «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг» сўзлари чиқариб ташлансин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг қўшни давлатлар билан Давлат чегараси чизигини белгилаш тартиби тўғрисида» 2003 йил 24 ноябрдаги 530-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 126-модда) 4-бандининг учинчи хатбошидаги «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» сўзлари «Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

346 «Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармонини бажариш юзасидан ва туризм соҳасида бошқарувнинг самарали тизимини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

туризм соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш, туристик хизматлар инфратузилмаларини шакллантиришга қўмаклашиш;

туризмни ривожлантириш давлат дастурларини, туристларнинг муҳофаза қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш, туристик фаолиятни тармоқлараро ва минтақалараро мувофиқлаштириш;

туристик хизматларни сертификатлаштириш;

туризм соҳасида реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш;

туризмни ривожлантириш соҳасига хорижий кредитлар ва инвестицияларни

жалб этиш, хорижий мамлакатлар, шунингдек хорижий компаниялар билан ҳам-корликнинг узоқ муддатли дастурларини ривожлантириш;

туризм соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш, туризм тармоқ фанини ривожлантиришга қўмаклашиш.

2. Қўйидагилар:

«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ташкилий тузилмаси ва марказий аппарат ходимларининг чекланган умумий сони 45 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 30 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

«Ўзбектуризм» миллий компанияси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

«Ўзбектуризм» миллий компанияси минтақавий бўлимининг намунавий тузилмаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси раисига зарурат бўлганда компания марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

3. 5-иловага мувофиқ меҳмонхона хўжалиги корхоналаридаги давлат улушлари профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга берилгунгача ёки тўлиқ сотилгунгача бўлган даврда уларни бошқариш ҳуқуқи «Ўзбектуризм» миллий компаниясида сақлаб қолинсин.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси «Отель Ўзбекистон» қўшма корхонасини хорижий компанияга ташқи менежмент асосида бошқарувга 2004 йил охиригача бериш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг марказий аппарати ва минтақавий бўлимлари таъминотига харажатлар лицензиялар кўриб чиқилганлиги учун йиғимдан, сертификатлашга доир хизматлар кўрсатишдан, ўз хўжалик фаолиятидан тушумлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига маблағ билан таъминланади.

5. «Ўзбектуризм» миллий компанияси:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2004 йил 1 декабргача бўлган муддатда 2010 йилгача бўлган даврда туризмни ривожлантириш давлат дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда сайёҳларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши ва кетиши тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Туризмни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш, сайёҳларга хизмат кўрсатилганлиги учун туристик фирмалар ва меҳмонхона хўжаликларидан ундириладиган туристик йиғимни жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилаш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси Туристик йиғим ҳамда Туризмни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар, бунда Жамғарманинг маблағларидан реклама фаолиятида, жалб этиладиган кредитларни қайтаришда ва туризм инфратузилмасини ривожлантиришда мақсадли фойдаланилишини назарда тутсинлар.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Уставини тасдиқлаш тўғрисида» 1993 йил 15 февралдаги 82-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 2-сон, 5-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.А. Азизхўжаев ва Р.С. Азимов зиммасига юклансин.


Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 28 июль,
360-сон

«Ўзбектуризм» миллий компанияси тизимининг ташкилий тузилмаси



«Ўзбектуризм» миллий компанияси марказий аппаратининг тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 28 июлдаги 360-сон қарорига
3-ИЛОВА

«Ўзбектуризм» миллий компанияси тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. «Ўзбектуризм» миллий компанияси (кейинги ўринларда Компания деб аталади) туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади ва ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2. Компания тизимида қуйидагилар қиради:

Самарқанд, Бухоро, Хоразм минтақавий бўлимлари;

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари марказларидаги Саёҳат ва экскурсиялар бюроси давлат корхоналари;

«Республика илмий-ўқув консалтинг маркази» давлат корхонаси;

«Дистпечерлаштириш ва хизмат кўрсатиш марказий бошқармаси» давлат корхонаси;

тасарруфидаги бошқа ташкилотлар.

3. Компания ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

4. Компания ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Марказий аппарат ва минтақавий бўлимлар таъминотида харажатлар лицензиялар бериш тўғрисидаги аризалар кўриб чиқилганлиги учун йиғимлардан, сертификатлаштиришга доир хизматлар кўрсатишдан тушумлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига маблағ билан таъминланади.

6. Компания ва унинг минтақавий бўлимлари юридик шахс ҳисобланадилар, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўладилар.

II. Компаниянинг вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Компаниянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

туризм соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш, туристик хизматлар инфратузилмаларини шакллантиришга кўмаклашиш;

туризмни ривожлантириш давлат дастурларини, туристларнинг муҳофаза қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш, туристик фаолиятни тармоқлараро ва минтақалараро мувофиқлаштириш;

туристик хизматларни сертификатлаштириш;

туризм соҳасида реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш;

туризмни ривожлантириш соҳасига хорижий кредитлар ва инвестицияларни жалб этиш, хорижий мамлакатлар, шунингдек хорижий компаниялар билан ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастурларини ривожлантириш;

туризм соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш, туризм тармоқ фанини ривожлантиришга кўмаклашиш.

8. Компания ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг асосий стратегик йўналишларини ишлаб чиқади;

туризмни ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

туристик фаолиятни лицензиялаш бўйича ишчи орган функциясини амалга оширади;

«Туризм тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ туристик хизматларни сертификатлаштиришни амалга оширади;

туризм соҳасида статистик ҳисобот тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

туризм соҳасида маркетинг тадқиқотларини ташкил қилади;

таҳлилий ишларни амалга оширади ва республикада туризмни ривожлантиришнинг асосий тенденциялари ва прогнозларини белгилайди;

туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлайди ҳамда мақсадли, тармоқ ва минтақавий дастурлар бажарилишини мувофиқлаштиришни ташкил қилади; туристик хизматларнинг амалга оширилишини реклама-ахборот билан таъминлаш фаолиятини амалга оширади;

хорижий давлатларнинг миллий туристик маъмуриятлари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари билан ҳамкорликни амалга оширади;

Жаҳон туризм ташкилоти ҳамда туризм билан боғлиқ бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлайди, уларда республика манфаатларини ифодалайди;

туризм индустриясини ривожлантиришга инвестициялар жалб этиш ишларида қатнашади;

туризм инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқади;

ташқи бозорда Ўзбекистон Республикаси манфаатларига риоя этилишини таҳлил қилади ҳамда унинг асосида туризм соҳасидаги салбий ҳолатларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича халқаро дастурларни амалга оширади.

9. Компания ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек минтақавий бўлимлар, тасарруфидаги бошқа ташкилотлар орқали бажаради.

III. Компаниянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Компания ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тегишли вазирликлар ва идоралардан туризм фаолияти масалалари бўйича ахборотларни сўраш ва олиш;

хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан белгиланган тартибда ахборотлар айирбошлашни амалга ошириш;

ўз ваколатлари доирасида конференциялар, йиғилишлар, семинарлар, симпо-

зиумлар ўтказиш, кўрғазмалар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш, шунингдек бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шу каби тадбирларда қатнашиш;

туризмни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш, тажриба алмашиш мақсадида халқаро, хорижий ва республика ташкилотлари билан амалий алоқалар ўрнатиш;

халқаро нормалар асосида отеллар, меҳмонхоналар, кемпинглар, шунингдек туристларга хизматлар кўрсатувчи бошқа объектлар классификациясини ишлаб чиқишда қатнашиш.

11. Компания ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

IV. Компания фаолиятини ташкил этиш

12. Компанияни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган раис бошқаради.

Раиснинг икки нафар, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Раис мақомига кўра вазирга, раис ўринбосарлари — вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

13. Компания раиси:

Компания фаолиятига яккабошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади;

Компания ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда Компанияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Компания тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, ўз ўринбосарларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг Компания фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлиги ҳамда тасарруфидаги ташкилотлар ишлари учун жавобгарлик даражасини белгилайди;

Компания тизими ходимларининг бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Компания марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритади, штат жадвалини, шунингдек Компания марказий аппарати, тасарруфидаги ташкилотлар харажатлари сметаларини тасдиқлайди;

Компаниянинг таркибий бўлинмалари ва минтақавий бўлимлари тўғрисидаги низомларни, ўз тизимига кирадиган тасарруфидаги бошқа ташкилотларнинг уставларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Компания марказий аппарати ходимларини, минтақавий бўлимларнинг, Компания тизимига кирувчи тасарруфидаги бошқа ташкилотларнинг раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Раис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

14. Компанияда таркибига Компания раиси (ҳайъат раиси), раис ўринбосарлари (лавозимига кўра), шунингдек минтақавий бўлимлар ва тасарруфидаги бошқа ташкилотлар раҳбарлари кирадиган 7 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъатнинг шахсий таркиби раиснинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Компания ҳайъати Компания фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, таркибий бўлинмалар, минтақавий бўлимлар ва тасарруфидаги бошқа ташки-

лотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, компаниянинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади.

Ҳайъат қарорлари раиснинг буйруқлари билан амалга оширилади. Раис билан ҳайъат ўртасида келишмовчилик пайдо бўлган тақдирда раис ўз қарорини амалга оширади. Раис пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини хабардор қилади.

15. Минтақавий бўлимлар ўз фаолиятини тегишли вилоятларнинг ҳокимлари билан келишган ҳолда Компания томонидан тасдиқланадиган низомларга мувофиқ амалга оширадilar.

Компаниянинг минтақавий бўлимлари раҳбарлари лавозимга тегишли вилоятлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан раис томонидан тайинланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 28 июлдаги 360-сон қарорига
4-ИЛОВА

Минтақавий туризм бўлимининг намунавий тузилмаси



Барча минтақавий бўлимлар ходимларининг чекланган умумий сони — 24 киши,
шу жумладан бошқарув ходимлари — 16 киши, улардан:
Самарқанд минтақавий бўлими — 6 киши
Бухоро минтақавий бўлими — 5 киши
Хоразм минтақавий бўлими — 5 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 28 июлдаги 360-сон қарорига
5-ИЛОВА

Профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга берилгунгача ёки тўлиқ сотилгунгача давлат улушларини бошқариш «Ўзбектуризм» миллий компаниясида сақлаб қолинадиган корхоналар рўйхати

Корхоналар рўйхати	Устав фондидаги давлат улуши (%)
1. «Отель Ўзбекистон» қўшма корхонаси ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти	58
2. «Шодлик» давлат корхонаси акциядорлик жамияти	16
3. «Варахша» давлат корхонаси масъулияти чекланган жамияти	25
4. «Самарқанд» давлат корхонаси акциядорлик жамияти	25
5. «Чорсу» давлат корхонаси масъулияти чекланган жамияти	30
6. «Жиззахсаёҳат» давлат корхонаси акциядорлик жамияти	9

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 28 июлдаги 360-сон қарорига
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг ««Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1992 йил 20 октябрдаги 484-сон қарорининг 2—5-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1995 йил 3 июндаги 210-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 6-сон, 20-модда) 5, 7 ва 8-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 8 августдаги 346-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 8-сон, 29-модда):

1-банднинг биринчи хатбошидаги «унинг «Ўзбектуризм» миллий компаниясига қўшилган аъзо сифатида кириши» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-банднинг иккинчи ва учинчи хатбоши, 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**347 Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш
ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинча-
лик низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
26 июлда 1390-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 5 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 19 мартдаги 125-сонли, «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 августдаги 280-сонли, «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқиш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисида вақтинчалик низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин амалга киритилсин.

Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 12 июль,
РА-01-8-31-сон

Молия вазири в.б. Ж. ҚЎЧҚОРОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 12 июль,
95-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

Давлат солиқ қўмитаси раиси **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 12 июль,
2004-49-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 12 июль,
256-В-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
«ЎЗКИМЁСАНОАТ» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҚАРОРИ

348 Ишлаб чиқариш қувватларини камайтириш (чиқариш) тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
28 июлда 1391-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 7 августдан кучга киради)

«Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 январдаги қарорини бажариш бўйича назорат режасини ижро этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш давлат қўмитаси ва «Ўзкимёсаноат» давлат акционерлик компанияси **қарор қилади:**

1. Ишлаб чиқариш қувватларини камайтириш (чиқариш) тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 28 июнь,
38-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 28 июнь,
93-сон

Давлат солиқ қўмитасининг раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 28 июнь,
2004-35-сон

Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 28 июнь,
01/06-14-сон

**«Ўзкимёсаноат» давлат акционерлик компанияси
раиси Г. ИБРАГИМОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 28 июнь,
01-2180-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ «ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ» БОШЛИҒИНИНГ
БҮЙРУҒИ

349 Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
29 июлда 1392-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 8 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 96-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат» тўғрисидаги» низомга мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли қарорини бажарилиши бўйича **буюраман**:

1. Илова* қилинаётган «Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низом» тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб 10 кундан кейин амалга киритилсин.
3. Мазкур буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси бошлиғи Б. ТЕШАБОЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 15 июль,
257-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

350 Жамоат фойдаланиш жойларида Интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
30 июлда 1393-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 9 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 майдаги 215-сон қарорини бажарилишини таъминлаш ҳамда жамоат фойдаланиш жойларида Интернет тармоғи хизматини тақдим этишни тартибга солиш мақсадида **буюраман:**

1. Жамоат фойдаланиш жойларида Интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартиби тўғрисида низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кундан сўнг кучга кириши белгилаб қўйилсин.
3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ҳамма эркин фойдаланилиши мумкин бўлган фойдаланиш пунктларида Интернет тармоғидан фойдаланишни тақдим этиш тартибини тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 5 июлдаги 186-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
Бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 23 июль,
216-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНING
ҚАРОРИ

351 Давлат улушларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар ва ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
30 июлда 1394-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 9 августдан кучга киради)

Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқариш жараёнида давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компанияларнинг фаолияти самарадорлигининг зарур назоратини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси **қарор қилди:**

1. Давлат улушларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар ва ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 27 июль,
01/06-15-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ
«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МХК
«ЎЗКОММУНХИЗМАТ» АГЕНТЛИГИ
ҚАРОРИ

352 Истеъмолчиларни табиий газ билан лимитсиз асосда таъминлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 июлда 1395-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2004 йил 9 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли «Махсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **қарор қилади:**

1. Илова* қилинаётган «Истеъмолчиларни табиий газ билан лимитсиз асосда таъминлаш тартиби тўғрисида низом» тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 26 июль,
39-сон

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 26 июль,
73-сон

«Ўздавнефтгазинспекция» бошлиғи ўринбосари Р. ШЕРАЛИЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 26 июль,
03/09-401-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

«Ўзбекнефтгаз»МХК раиси А. АЗИЗОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 26 июль,
16-1-44-сон

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директори У. ХОЛМУХАМЕДОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 26 июль,
012-1-912-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 24 июлдан 30 июлгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 12 июлдаги РА-01-8-31, 95, 2004-49, 256-В-сонли қарори.*

2004 йил 26 июлда 1390-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 5 августдан кучга киради).

2. «Ишлаб чиқариш қувватларини камайтириш (чиқариш) тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, «Ўзкимё-саноат» ДАКнинг 2004 йил 12 июлдаги 38, 93, 2004-35, 01/06-14, 01-2180-сонли қарори.*

2004 йил 28 июлда 1391-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 7 августдан кучга киради).

3. «Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2004 йил 15 июлдаги 257-сонли буйруғи.*

2004 йил 29 июлда 1392-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 8 августдан кучга киради).

4. «Жамоат фойдаланиш жойларида Интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг 2004 йил 23 июлдаги 216-сонли буйруғи.*

2004 йил 30 июлда 1393-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 9 августдан кучга киради).

5. «Давлат улушларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар ва ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2004 йил 21 июлдаги 01/06-15-сонли қарори.*

2004 йил 30 июлда 1394-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 9 августдан кучга киради).

6. «Истеъмолчиларни табиий газ билан лимитсиз асосда таъминлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўздавнефтгазинспекция, «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2004 йил 26 июлдаги 39, 73, 03/09-401, 16-1-44, 012-1-912-сонли қарори.*

2004 йил 30 июлда 1395-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 9 августдан кучга киради).

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжатлар аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикасида экспорт маҳсулотлар сифатини текширишни ташкил этиш тартиби тўғрисида низом. *Ўзстандарт томонидан тасдиқланган.*

2. Экспорт маҳсулотлар сифатини назорат этувчи ишончли вакиллар тўғрисида низом. *Ўзстандарт томонидан тасдиқланган.*

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.